

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШУКУРОВА УМИДА АБДУРАСУЛОВНА

**ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИДАГИ ҚИЗИЛ ЯССИ
ТЕМИРАТКИНИ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ДАВОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Шукурова Умида Абдурасуловна

Оғиз бўшлиғи шиллик қаватидаги қизил

ясси темирткини клиник-патогенетик даволаш 3

Шукурова Умида Абдурасуловна

Клинико-патогенетическое лечение красного

плоского лишая слизистой полости рта 31

Shukurova Umida Abdurasulovna

Clinical and pathogenetic treatment of red

lichen planus of oral mucosa 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 60

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШУКУРОВА УМИДА АБДУРАСУЛОВНА

**ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИДАГИ ҚИЗИЛ ЯССИ
ТЕМИРАТКИНИ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ДАВОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2014.2.Тиб376 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsdi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Бекжанова Ольга Есеновна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Копбаева Майра Тайтолеуовна тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қозоғистон) Лукина Галина Ильхамовна тиббиёт фанлари доктори (Россия) Гулямов Суръат Саидвалиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Омск давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Тиб.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А.Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.П.Камилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг (ОБШҚ) қизил ясси темраткиси (ҚЯТ) стоматология амалиётидаги энг кўп тарқалган ва манифест касалликлардан бири ҳисобланади. «Бошқа дерматозлар орасида унинг умумий улуши 0,5-5% ни ташкил қилса, оғиз бўшлиғидаги ҚЯТнинг популяция сони эса 0,5-2,2%, ОБШҚдаги касалликлар орасидаги учраши эса 30%-35% гачани ташкил этади»¹. Ҳозирги кунда ҚЯТни клиник кечишининг ўзига хос хусусиятига касалликни ёшлар ўртасида учраш даражасини, дебют ҳолатининг ортишини (25-28 ёш), шунингдек болалардаги оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг тез-тез зарарланиши, касалликнинг гипертрофик, атипик ва оғир шакллари қиёсий нисбатини ортиши, кечиш ҳолатини узлуксиз-асоратли тури билан оғриган беморлар улушини ортишини келтириш мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таснифига биноан ОБШҚ ҚЯТси онкологик касалликлар қаторига киритилишига башоратлаш мезонларини (клиник ва гистологик жиҳатдан) мавжудлиги, касалликни хавфли трансформацион хусусиятларини инобатга олиб, адекват ва ўз вақтида даволаш зарурлиги муаммонинг долзарблигидан далолат беради².

Жаҳонда ОБШҚдаги ҚЯТни клиник-патогенетик даволаш ва олдини олишга қаратилган тадбирларни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, ОБШҚ ҚЯТни ривожланишининг эндоген ва экзоген омилларни, шунингдек ташқи муҳит омилларининг таъсир механизмини; касалликнинг турли клиник шакллари билан оғриган беморларни руҳий ва эмоционал ўзига хослигини; антиоксидант ҳимоя жараёнларининг фаоллиги ва липидларнинг перексли оксидланиш жараёнарига клиник-биокимиёвий тавсиф бериш тартибини асослашдан иборат. Оғиз бўшлиғи касалликларига қаратилган даволаш-профилактик чора-тадбирлар ва уларни умумий клиник даволаш тизими асоратларини камайтириш ва самарадорлигини ошириш жараёнини татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳоли орасида турли касалликларини эрта тахислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси³да мамлакатимизда «...соғлом турмуш тарзини

¹ ЖССТ маълумотлари 2009

² Chitturi R.T., Devy A.S., Nirmal R.M., Sunil P.M. Oral Lichen Planus: A Review of Etiopathogenesis, Clinical, Histological and Treatment Aspects 2014.

Григорьев С.С. и др. Красный плоский лишай слизистой оболочки рта. Обзор литературы // Уральский медицинский журнал. - 2014;

Anuradha Ch., Malathi N., Anandan S., Magesh K. Current concepts of immunofluorescence in oral mucocutaneous diseases, Department of Oral Pathology and Microbiology, SIBAR Institute of Dental Sciences, Takkel lapadu, Guntur, India // J. Oral Maxillofac. Pathol. – 2011.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

шакллантириш, аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш...» белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан холда, олиб борилган тадқиқот ОБШҚ ҚЯТ билан касалланган беморларни ўз вақтида ташхаслаш, даволаш ва олдини олишга, стоматологик ёрдам кўрсатишни яхшилашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. ОБШҚ ҚЯТни клиник-патогенетик даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва қўллашга бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, National Taiwan University (Тайван), Aichi-Gakuin University (Япония), Mahidol University (Тайланд), Islamic Azad University, Shiraz University of Medical Sciences (Эрон), National Institutes of Health (США), Hokkaido University (Япония), Sun Yat-sen University (Хитой), University of São Paulo (Бразилия), Medical University of Graz (Австрия), University of Helsinki (Финландия), University of Western Australia (Австралия), Ukrainian Medical Stomatological Academy (Украина), University Miami (АҚШ); Yokohama City University (Япония); ва Тошкент давлат стоматология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

ОБШҚ ҚЯТни эрта ташхислаш ва патогенетик даволаш тартибини оптималлаштиришни илмий асослашга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: аҳолининг оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида verruciform ксантома учраши фиброз тўқималар ва эрозив-яралли карцинома ривожланишига замин яратганлиги исботланган (National Taiwan University (Тайван); оғиз шиллиқ қаватининг ясси қизил темиртки билан зарарланишининг микроскопик тадқиқотлари

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.uic.edu, www.yokohama-cu.ac.jp, www.qdu.edu.cn, www.eco.unicamp.br, www.asu.edu.eg, www.umlub.pl, www.ulsan.ac.kr, www.units.it, www.uniud.it, www.uni-marburg.de, www.hu-berlin.de, www.mountsinai.org, www.BMJ, www.heidelberg-university, unige.it, www.ecu.edu, www.pennstatehershey.org, www.qmul.ac.uk, www.pubmed.com, welcome.miami.edu, www.aiims.edu, www.evms.edu, www.isciii.es, www.arizona.edu, www.uh.edu, www.uab.edu, www.hopkinsmedicine.org, optometry.osu.edu ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

асосида эпителиал хужайраларининг пролиферацияси ва P53 мусбат реакциясида эканлигини асосланган (University Aichi-Gakuin (Япония); оғиз темирткиси билан оғиз бўшлиғи зарарланиши ва унини кортикостероидлар билан даволашда ўлчамларнинг қисқарганлиги ва 3 йилдан кейин асоратларнинг йўқолганлиги исботланган (Mahidol University (Тайланд); оғиз кандидозларининг оғиз бўшлиғи шиллик қаватида учраши ва унинг псориаз ривожланишидаги беморларнинг ёши, жинси ва фитотерапияни қўлашда корреляцион боғлиқлик исботланган (Islamic Azad University, Shiraz University of Medical Sciences (Эрон); оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг хужайраларо ва тизимли иммунитетнинг ҳосил бўлишидаги тутган ўрни исботланган (University Miami, National Institutes of Health (АҚШ); оғиз бўшлиғи шиллик қаватидаги пемфигоидни дори воситларисиз тўғридан-тўғри иммунфлюоресценция усули ёрдамида даволаш тартиби исботланган (Hokkaido University (Япония); буйрак етишмовчилиги бор бўлган болаларнинг оғиз бўшлиғидан ажараладиган сўлак таркибида HSV-1 ва EBV аниқланишини исботланган (University of São Paulo (Бразилия); оғиз шиллик қаватида темиртки касаллигининг учраши тўқималарнинг склеротик ўзгаришларни олиб келиши ва хавфли формага ўтиши асосланган (University of Western Australia (Австралия); оғиз бўшлиғи шиллик қаватидаги қизил ясси темирткини эрта ташхислаш ва патогенетик даволаш усуллари оптималлаштирилган (Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистон).

Дунёда ОБШҚ ҚЯТни клиник-патогенетик даволашнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида, жумладан, устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, касалликнинг турли клиник шакллари билан оғриган беморларни клиник даволаш механизми асосида такомиллаштириш; клиник шакллари оғирлик даражасини ўсиб бориш динамикасида қон зардобидаги молекулани ўртача оғирлик спектри ҳамда оғиз суюқлигидаги эндоген интоксикация оғирлигини тавсифлаш; антиоксидант химоя жараёнларининг фаоллиги тартиби асосида шакллантириш; қон зардоби ва оғиз суюқлигидаги альбуминнинг дитоксикацион хусусиятини исботлаш; патологик жараёнини динамикада ўсиб боришида қон зардоби ва оғиз суюқлигида ҳамда иммун метаболик кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни ва беморларнинг руҳий-эмоционал холати асосида тавсифлаш; беморлар организмидаги қисқа занжирли ёғ кислоталарининг турли биотопларининг таъсирини исботлаш ва улар асосида ОБШҚ касалликларига қаратилган даволаш тизмини такомиллаштиришдан иборат.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Касалликни ривожланишида асосий аҳамиятни маҳаллий омиллар ташкил этади. Уларга оғиз бўшлиғи шиллик қаватини патоген таъсирларга қаршилиги, шу жумладан локал жароҳатловчи омиллар, зарарли одатлар, парадонт патологиялари, оғиз бўшлиғини дисбиотик бузилишлари. Аниқландики, ҚЯТнинг юқори частотасини ички органлар патологияси билан ассоцияланишида касалликни психоэндокрин ва психоиммунобиологик боғлиқлиги маълум бўлди, бу эса ҚЯТда патологик жараёнларни кўп тизимли эканлигидан далолат беради

(Хайретдинова К.Ф., Юсупова Л.А., 2016; Manolache L., Seceleanu-Petrescu D., Venea V., 2008). Патогенезнинг мультифакторлик назарияси, организмнинг турли тизимлари бузилишларини патогенетик механизмлари билан ўзаро боғлиқлиги асосланади (асаб, эндокрин, юрак қон-томир, меъда-ичак тизим патологиялари, гепатобилиар тизим, генетик омиллар, микробиоценоз бузилишлари ва ҳ.к.) (Глазкова Ю.П., 2013; Григорьев С.С., Жавтяк П.Б. 2016; Redder C. P., Pandit S., Desai D. Et. al 2014). Асосий этиопатогенетик механизмлар ичида қуйидагилар-иммунологик бузилишлар; яллиғланиш медиаторлари устунлик қилувчи цитокинлар балансини бузилиши (Ханова С.А. 2015; Verma P., Pandhi D. 2015); шиллиқ қаватга ЛПО маҳсулотларини зарарсизлантирувчи таъсири (Рединова Т.Л., Шакирова А.В. 2015); ичаклар ва оғиз бўшлиғида дисбиотик бузилишлар клиник шаклларини структурасидаги патоморфологик ўзгаришларнинг барчаси организмда рўй берувчи тизимли характер ўзгаришларидан гувоҳлик беради (Акмалова Г.М. 2016).

Патогенезнинг мультифакторли концепцияси ва тадқиқот давомида аниқланган турли тизимдаги бузилишлар, ушбу касалликни даволашда кенг таъсирга эга бўлган анъанавий даволаш чораларини қўллаш заруриятини асослаб беради. ҚЯТнинг этиологияси ва патогенезининг мураккаблигини эътиборга олган ҳолда, ушбу касалликни даволашда фақат замонавий восита ва усулларни индивидуал ҳолда комплекс қўллашгина зарур самарани бериши мумкин. (Чуйкин С.В., Акмалова Г.М., Гильманова А.Ж., Гареев Г.М. 2016; Юсупова Л.А., Ильясова Э.И. 2013; Tovuari S., Parlatescul J., Cheorghie C. 2013).

Касалликни локал клиник кўринишларини ривожланиши, организмдаги турли маҳаллий ва тизимли иммунометаболик бузилишлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш, организмдаги локал ва тизимли бузилишлар индикаторларни аниқлаб олиш зарурлигини ўрганиш имконини беради, бу эса адекват диагностик мезонларни қўллашга ёрдам беради.

Касалликни турли клиник шакллари кечишини ўзига хослини аниқлаш асосида ОБШҚ ҚЯТнинг турли клиник шакллари комплекс даволаш усуллари ишлаб чиқиш мумкин. Бунда организмнинг умумий ҳолатига ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида қўлланилувчи формакологик коррекциянинг комплекс таъсири ўрганилади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувоффиқ «Атроф-муҳит омилларни таъсирини инобатга олган ҳолда асосий стоматологик касалликларни эрта ташхислаш, олдини олиш ва даволашнинг яхшилаш чора тадбирларни ишлаб чиқиш» (№ 011400196) (2011-2016 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги қизил ясси темратикини ташхислаш сифатини ошириш ва этиопатогенетик даволаш комплексини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОБШҚдаги ҚЯТнинг клиник кўринишларини ўрганиш ва турли клиник шакллари билан оғриган беморларнинг стоматологик ва соматик статусини баҳолаш;

ОБШҚдаги ҚЯТни клиник кечишини беморларнинг психоэмоционал ҳолати билан боғлиқлигини таҳлил қилиш;

ОБШҚдаги ҚЯТнинг оғирлик даражасини ўсиб бориш динамикасида антиоксидант химоя фаоллиги ва липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнларига таъсир бериш;

ОБШҚдаги ҚЯТнинг клиник шаклларида эндоген интоксикация даражасини оғиз суюқлиги ва қон зардобидаги молекуланинг ўртача массаси кўрсаткичларини таъсирлаш;

қон зардоби ва оғиз суюқлигидаги альбуминнинг дитоксикацион хусусияти ва боғловчи қобилиятини ОБШҚ ҚЯТнинг кечиш оғирлиги билан боғлиқлигини исботлаш;

ОБШҚдаги ҚЯТнинг турли клиник шаклларида қон зардоби ва оғиз суюқлигини цитокин профили ҳолатини аниқлаш;

оғиз суюқлиги, йўғон ичак ва қондаги қисқа занжирли ёғ кислоталарни даражасидан оғиз бўшлиғи ва ичакдаги дисбактериоз ҳолатини ҚЯТни оғирлик даражасидаги патогенетик ўрнини асослаш;

ОБШҚдаги патологик жараённи ўсиб боришида иммун-метаболик ва детоксикацион жараёнларни оғиз суюқлиги ва қондаги кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион алоқани баҳолаш;

ОБШҚҚЯТни турли оғирликдаги патогенетик ривожланиш механизмлари асосида комплекс даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва таъсир этиш;

ОБШҚҚЯТнинг турли вариантларида даволаш натижаларини клиник самарадорлигини исботлаш;

қўлланилувчи даволаш усуллари касалликнинг клиник кечишига, беморларнинг руҳий эмоционал ҳолатига, иммунометаболик ва детоксикацион жараёнларга ҳамда ОБШҚҚЯТнинг турли оғирлик даражасидаги беморлар организмидаги қисқа занжирли ёғ кислоталарининг турли биотопларига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти асосий тадқиқот гуруҳлари терапевтик стоматология клиникасида амбулатор шароитида даволашда бўлган 18-69 ёшдаги ОБШҚҚЯТ билан оғриган 139 нафар бемор ҳисобланади. Назорат гуруҳи сифатида ОБШҚ патологик ўзгаришлари бўлмаган 20 киши иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети қизил ясси темиратики билан оғриган беморлар: типик, экссудатив-гиперемик, эрозив-яралли, буллёзли клиник шакллари, оғиз бўшлиғининг шиллиқ қавати, тишнинг қаттиқ тўқима касалликлари, парадонт тўқималарининг ҳолати, оғиз суюқлиги, қон зардоби, нажас баҳолаш материаллари сифатида олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларни амалга оширишда клиник, биокимёвий, микробиологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги қизил ясси темираткили беморлар орасида касалликнинг оғир клиник шакллари тарқалишини ўсиб бориши билан соматик патология частотасини ортиши ва сурункали инфекция ўчоқлари ўртасида ўзаро боғланиш исботланган;

оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги қизил ясси темираткини клиник шакллари жадаллашиши беморларда руҳий эмоционал ҳолатини ёмонлашишига, реактив ва шахсий хавотирлик кўрсаткичларини ортишига сабаб бўлиши аниқланган;

оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги қизил ясси темираткини ривожланишида эндоген интоксикацияни патогенетик роли илк бор кўрсатилиб, бу оғиз суюқлиги ва қондаги МЎМни йиғилиши, альбуминни боғлаш ва транспорт вазифасини пасайиши, яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар нисбатининг силжиши касалликнинг оғирлик даражаси билан корреляцияланиши аниқланган;

оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги қизил ясси темираткининг оғир клиник кўринишларида беморларнинг оғиз суюқлиги, ичак ва қон зардобиди микрофлора метаболитларининг миқдор таркиби ва сифатини ўзгаришидаги патогенетик роли исботланган;

касалликнинг полиэтиологик табиатини инобатга олган ҳолда, касалликнинг оғирлик шаклларига боғлиқ, маҳаллий ва систем патогенетик механизмларга таъсир этувчи тизимли умумий ва маҳаллий даволаш комплекси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касалликни полиэтиологик табиатини ҳисобга олган ҳолда даволаш комплекси ишлаб чиқилиб, маҳаллий даволашда антиоксидант восита Сукцинасол ва бактериологик лизатлар асосидаги иммуностимулловчи дори воситаси ИРС-19 самараси тасдиқланган;

тизимли даволашда Сукцинасол билан антиоксидант терапия, иммуностимулловчи терапияда—Галавит иммуномодулятори, седатив терапияда—анксиолитик восита-Адаптол, ичаклар микробиоценозини меъёрлаштирувчи – Бифилакс-иммуно воситаси ва дезинтоксикацион терапия сифатида – Полисорб МП дори воситаларининг патогенетик таъсири исботланган;

ишлаб чиқилган даволаш схемалари ОБШҚҚЯТнинг турли клиник шаклларида юқори самарали бўлиб, уни қўллаганда касалликни клиник кечишида ижобий силжишлар қайд қилинган ва назорат гуруҳига нисбатан солиштирганда беморларнинг психоэмоционал статусини меъёрлашиши, дезинтоксикацион ва иммунометаболик жараёнларини ижобий силжиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи текшириш усулларни услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник, биокимёвий, микробиологик ва статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, ОБШҚдаги ҚЯТни клиник-патогенетик даволаш натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ОБШҚҚЯТ ривожланишини локал ва тизимли жараёнлари ҳақидаги ўзаро аҳамиятли бўлган тушунчаларни беради, касалликни турли клиник шакллари ривожланиш патогенези тўғрисидаги тушунчаларни кенгайтириш имкониятини беради, ҳамда, янги даволаш усулини қўллашни асослайди, маҳаллий ҳамда тизимли коррегирловчи чоратадбирлар самарадорлиги баҳоланади, антиоксидант ва прооксидантлар мувозанати, биологик субстратлардаги хужайраларда эндотранспорт нафас занжирларини пасайиши комплекс антиоксидант терапияни қўллаш заруриятини асослаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ОБШҚдаги ҚЯТни даволашда патологиянинг оғирлик даражаси ва симптоматик терапиянинг барча босқичларини кетма-кет бажариш билан боғлиқлиги ҳисобга олиб, маҳаллий равишда антиоксидант Сукцинасолни ва иммуностимулловчи ИРС-19ни, шунингдек, тизимли равишда яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар дисбалансини тўғрилашда Галавит иммуномодуляторини, психоэмоционал ҳолатини меъерлашда анксиолитик восита Адаптолни, ичаклар ва оғиз бўшлиғи дисбиотик бузилишларини Бифилакс иммуно ёрдамида, организмнинг детоксикацион фаолиятини оширишда Полисорб МПни схема тарзида жорий қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: ОБШҚдаги ҚЯТни клиник-патогенетик даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги қизил ясси темирткини клиник кечишининг хусусиятлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 8н-д/65-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ОБШҚдаги ҚЯТни этиологияси, патогенези, ташхислаш, клиник кечиши ва олдини олишнинг тизимли даволаш имконини берган;

«Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги қизил ясси темирткини ташхислашда қисқа занжирли ёғ кислоталарнинг ўрини» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 8н-д/65-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ОБШҚдаги ҚЯТни ташхислашдаги аҳамиятли хусусиятларни кенг тизимли ёритиш билан изоҳланган;

«Сукцинасол ёрдамида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги қизил ясси темирткини даволаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш

вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 8н-д/65-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсия ОБШҚдаги ҚЯТни даволашда Сукцинасол беморларнинг умумий ҳолатини яхшилаш, субъектив шикоятларнинг йўқолиши ва оғриқларнинг йўқолишига олиб келиши изоҳланган;

ОБШҚдаги ҚЯТни ташхислаш ва даволашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар стоматологик поликлиникаси, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий марказга, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси, Тошкент давлат стоматология институтининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 7 апрелдаги 8н-д/27–сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши оғиз бўшлиғидаги ҚЯТни даволаш муддатларини касалликнинг типик шаклида 4 кунга, экссудатив-гиперемик шаклида 3,4 кунга, эрозив-яра шаклида-5,4 кунга, буллёз шаклида эса 4,1 кунга қисқаришига олиб келди. Комплекс даволашни қўллаш эса ремиссияни сезиларли узайишига олиб келди, типик шаклда 5,1 ойга, экссудатив-гиперемик шаклда – 4 ойга, эрозив-яра шаклида-3,5 ойга, буллёз шаклида эса 4,5 ойга. Бир йил давомида олиб борилган кузатувлар натижасида ҳам рецидивлар сониининг кескин пасайиши типик шаклда-2,5 мартага, экссудатив-гиперемик шаклда-2 мартага, эрозив-яра шаклида-1,5 мартага ва буллёз шаклида 1,7 мартага кузатилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 47 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, шундан, 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган; тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оғиз бўшлиғи шиллик қаватидаги қизил ясси темирлаткини этиологияси, патогенези ва даволашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида дунё миқёсидаги ва маҳаллий адабиётлардаги ОБШҚҚЯТга оид маълумотларни тўлиқ таҳлил натижалари, касалликнинг гистоморфологик тавсифи ва таснифи келтирилган. ҚЯТни этиологияси ва патогенезининг замонавий концепциялари кичик элементларигача акс эттирилган, шунингдек ОБШҚҚЯТни комплекс терапиясининг замонавий усуллари ёритилган. Касалликни клиник шаклидан ОБШҚдаги ҚЯТли беморларда эпителий хусусиятларининг реактивлигини, функционал ҳолати, буларнинг барчаси касаллик прогнозига, даволаш усулига ва даволаш натижаларига боғлиқ бўлади. Шуниси аниқки, таклиф этилган текширишлар ОБШҚҚЯТ патогенезининг барча бўғимларини ўзида акс эттирмайди. Касаллик тарқалишини камайтириш ва даволаш сифатини ошириш учун кейинчалик патогенезнинг кўпгина аспектларини чуқур ўрганиш талаб этилади, яллиғланиш жараёнларини сурункали-узлуксиз рецидив бўғинларини аниқлаш талаб этилади. Буларнинг барчаси эса касалликка оид мустаҳкам ёпиқ тизимни парчалашга ёрдам беради.

Диссертациянинг «**Оғиз бўшлиғи шиллик қаватидаги қизил ясси темирлаткини ўзига хос клиникаси ва патогенезига оид материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган клиник усуллар-сўраб суриштириш, визуал диагностика, оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини аниқлаш, парадонт индекси ҳолатини баҳолаш усуллари келтириб ўтилган.

ОБШҚҚЯТ ташхиси Е.В.Боровский ва А.Л.Машкиллейсон (2001) таснифи асосида қўйилди. Асосан ёши 20-29 ёш; 30-39 ёш; 40-49 ёш; 50-59 ёш ва 60-69 ёш бўлган беморлар текширишдан ўтказилди.

Ўртача оғирликдаги молекулалар таркиби (МЎМ) спектрофотометрик усул билан ультрабинафша нур оқимини монохроматик ютиш ёки ҳосил қилинган регистрация усули ёрдамида аниқланди (Г.А.Парфенова, И.Н.Чернадьева, 1997).

ЛПО жараёнларини аниқлаш липидларнинг бирламчи оксидланиш маҳсулоти–диен конъюгатлар (ДК); иккиламчи маҳсулотлар–триен конъюгатлар (ТК), малондиальдегид (МДА) ва якуний маҳсулотлар–шифф асослари (ША)- спектрофотометрик усул билан аниқланди. АОТ ферментлар фаоллиги ўрганилди. КТ фаоллигини аниқлашда перекисни молибден тузлари билан турғун бўялган комплекс (Королук, 1988) ҳосил қилиш қобиляти билан аниқланди; СОДни аниқлаш–формазонларнинг ва тетразолин тузларини кучсиз ишқорий муҳитда тикланиш реакцияси ёрдамида амалга оширилди (Дубинина Е.Е., 1983); ГП фаоллигини аниқлашда водород пероксидни (H₂O₂) тикланишини катализация қилиш қобилятига асосланади (Paglia В., Walentinov F. 1967). СудГни тикланиш қобилятини аниқлашда 2,3,5-трифенилтетразолин хлориднинг рангсиз тузини формазага тиклаш билан аниқланди (Сторожук П.Г., Сторожук А.П. 2002).

Альбуминнинг боғлаб олиш қобиляти (АБК) ва унинг самарали

концентрацияси «Зонд-альбумин» жамланмасы ёрдамида флюоресцент усули билан АКЛ-01 анализаторида аниқланди. Альбуминнинг умумий (АУК) ва самарали (АСК) концентрациялари аниқланди. Альбуминнинг боғлаб олиш қобилияти (АБК) – $АСК/АУК \cdot 100$ формуласи ёрдамида ҳисобланди. Захарлилик индекси эса (ЗИ) $ЗИ=АУК/АСК-1$ формуласи ёрдамида топилди.

Оғиз бўшлиғи ва ичаклар микрофлорасининг метаболик фаоллигини интеграл баҳолаш ўрганилаётган биотик микрофлора маҳсулоти, паст молекулали метаболитлар концентрациясини ўрганиш асосида амалга оширилди. Бу маҳсулотларга қисқа занжирли ёғ кислоталари (ҚЗЁК) кириб, улар оғиз бўшлиғи суюқлиги намуналарида газохроматографик усул билан аниқланди. Бу усул Россия Федерациясининг №2473902 сонли патенти асосида амалга оширилди (Брико Н.Н. ва ҳаммуаллифлар, 2011). Наҳас намуналарида эса Ардатская М.А. усули билан намуналар таҳлил қилинди (2003й). Олинган маълумотларни объективлаштириш мақсадида бизлар томонимиздан сирка (C_2), пропион (C_3), ва ёғ (C_4) кислоталарининг профили ҳисобланди. Улар кислоталарнинг тармоқланмаган занжирига (изо C_4/C_4 , изо C_5/C_5) изо кислоталар йиғиндисининг нисбати кислоталарнинг умумий пулига қўшган ҳиссаси ўрганилди; шунингдек анаэроб индекс (АИ), муҳитнинг оксидловчи-қайтарилувчи потенциали билан акс эттирилди ($АИ=юқори$ тикланган таркиб йиғиндисини (C_3 ва C_4) кам тикланган сирка кислота таркибига нисбати (C_2)).

Цитокинлар даражаси ООО «Цитокин» (Санкт-Петербург) томонидан ишлаб чиқилган қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил усули билан аниқланди. Бунинг учун процитокинлар (ФНО- α , ИФН- γ , ИЛ-1, ИЛ-6 ва ИЛ-8) ва яллиғланишга қарши цитокинлар (ИЛ-4 ва ИЛ-10) концентрациялари баҳоланди.

ОБШҚҚЯТли беморларининг ҳавотирланиш ҳолати И.Д.Спилберг ва Ю.А.Ханиннинг ўз-ўзини баҳолаш шкаласи ёрдамида баҳоланди. Реактив ҳавотирлик- РХ (вазиятли ҳавотирлик ҳолати каби) ва шахсий ҳавотирлик – ШХ (инсоннинг турғун тавсифи каби) аниқланди (Карелин А. 2007).

Статистик таҳлил усуллар ўз таркибига ўртача арифметик қийматни (М), ўртача хатолик (m) ва фарқлар эҳтимоллиги –Рни олиб, Microsoft Exсее1 компютер дастурини қўллаш йўли билан бажарилди. Иккита танлаб олинган гуруҳлар маълумотларини солиштириш t-Стюдент мезонлари асосида амалга оширилди. Фарқлар ишончлилиги 95% ($P<0,05$) бўлиб ҳисобланди. Икки жараён ўртасидаги ўзаро боғлиқлик оддий чизиқли корреляция ёрдами билан ҳисобланди. Даволаш самарадорлигини қиёсий баҳолаш Байес формуласи бўйича амалга оширилди: $(P_1-P_2)/P_1+P_2 \cdot 100$, бу ерда- P_1 асосий гуруҳдаги даволаш самарадорлиги; P_2 -таққослаш гуруҳидаги даволаш самарадорлиги.

Диссертациянинг «Оғиз бўшлиғи шиллик қаватидаги қизил ясси темирлаткини клиник кечиш оғирлигини иммунометаболик ва детоксикацион жараёнлар, беморларнинг психоэмоционал статуси ва асосий биотоплардаги микробиоценозни метаболик фаоллигини патогенетик

аҳамияти» деб номланган учинчи бобида ОБШҚҚЯТни турли клиник кечиши билан оғриган беморларни психоэмоционал статуси И.Д.Спилберг ва Ю.Л.Ханинни ўз-ўзини баҳолаш шкаласини ўрганишга оид маълумотлар келтирилган. Бу ерда стресс ҳолатларни юқори даражада ошиб боришига тайёргарлик ҳолати қайд қилинди. Бу вазият шахсий ҳавотирлик ва реактив ҳавотирлик кўрсаткичларини ишончли ортиши билан намоён бўлади (ШХ ва РХ).

ОБШҚҚЯТ беморларида гуруҳлар ичидаги ўртача РХ кўрсаткичи $48,31 \pm 2,03$ га тенг бўлади $P < 0,05$, бу эса юқори ҳавотирлик даражасига мос бўлиб, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан сезиларли равишда юқори кўрсаткич демакдир. ШХ кўрсаткичи эса янада яққолроқ намоён бўлиб, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори, яъни $64,37\%$ ни ($P < 0,05$) кўрсатди. ОБШҚҚЯЛ беморларида РХ ва ШХ кўрсаткичларини ортиши ОБШҚдаги ҚЯТ клиник шаклини ўсиб бориши касалликни оғирлиги ҳамда психоэмоционал ҳолатини ўзгариши билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатди.

ОБШҚдаги ҚЯТли беморларда МЎМ спектори бўйича эндоген интоксикация (ЭИ) оғирлигини динамик ошиб боришини тадқиқ қилиш касалликни клиник кечиш оғирлиги билан ЭИ оғирлигининг боғлиқлигини кўрсатди. Тадқиқот натижасида аниқланган ўзгаришлар қуйидагилар билан характерланади: E320 нм нуклеин фракцияларининг ортиши; токсик фракция E254 нм ортиши; нуклеар-пептид индекс-НПИни ортиши; ароматик индекс (АИ)нинг пасайиши; қон зардоби ва оғиз бўшлиғи суюқлигида ароматик фракция E280нм ни физиологик миқдор фонида мавжуд бўлиши ОБШҚдаги ҚЯТнинг патогенезида ЭИни иштирок этишидан гувоҳлик беради. Бунда оғиз бўшлиғи суюқлигида МЎМ концентрациясини ишончли даражада юқори бўлиши заҳарланиш ўчоғида деструкция ва протеолиз жараёнларини фаол кечиши билан тушунтирилиб, ОБШҚда иницирланувчи кўринишлар омили бўлиб хизмат қилади.

Олинган маълумотлар таҳлилидан шу нарса аниқландики, ОБШҚдаги яллиғланиш жараёнларида ЛПО жараёнларининг яққол активланишини АОТ ферментлар фаоллигининг асинхрон кўрсаткичларини намоён бўлиши билан бирга кечади: касалликнинг типик ва экссудатив-гиперемик шаклларида ферментлар фаоллигининг юқори бўлиши, эрозив-яралли ҳамда буллёз шаклларида эса ферментлар фаоллигини паст бўлиши билан кузатилди.

Касалликни типик ва экссудатив-гиперемик шакллари билан оғриган беморларда АОТ ферментларининг нисбатан ортиши ЛПО жараёнларини бошқаришда АОТнинг физиологик ҳимоя ҳажми ортишини таҳмин қилишни имконини беради. Касалликнинг буллёз ва эрозив-яралли шаклларида ўтганда «сифат силжиши» юз беради, яъни ЛПО жараёнларини кучайиши ҳолатига компенсация сифатида АОТнинг заҳира қуввати етарли бўлмайди. Бунда гомеостазнинг бузилиши эркин радикалларни бевосита элевинирловчи, тўғри таъсир этувчи антиоксидантларни узилиши (КТ, СОД ва ГП) ва камайиб кетиши билан хужайраларнинг энергия таъминот ферментларини (СудГ) бевосита ва билвосита самараси билан намоён бўлади.

ОБШҚдаги ҚЯТли беморларда альбуминнинг сорбцион хусусияти кўрсаткичларини пасайиши (АСК, АСХ) ва захарлилик индексининг (ЗИ) ортиши аниқланди. Бу эндоген интоксикацияни ривожланишини ортиши ва ОБШҚда жараёнлар оғирлигини кўтарилишини детоксикацияга организмнинг захира хусусиятини пасайишида акс этади.

ОБШҚҚЯТнинг барча клиник шаклларида дисбиознинг ривожланиши характерлидир. Микробиоценоз функциясининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, қисқа занжирли ёғ кислоталари (ҚЗЁК) ҳисобланади. Улар - углевод, оксил ва ёғ анаэроб бактерияларининг асосий микроб ферментация маҳсулотидир.

ҚЗЁКлари даражасининг сифат ўзгаришлари: сирка миқдорини ортиши (C_2); пропион (C_3) ва ёғ (C_4) миқдорини пасайиши; АИни пасайиши; изокислота йиғинди миқдорини (изо C_n) кислотанинг тармоқланмаган занжирига нисбий суммар миқдорини ортиши (изо C_n/C_n); изовалериан кислотани валериан кислотага миқдор нисбатини ортиши (изо C_5 /C_5) оғиз бўшлиғи нормал микрофлора метаболизмини бузилишидан гувоҳлик бериб, улар ичида протеолитик ва гемолитик фаоликка эга бўлган аэроб микроблар асосий қисми ташкил этади.

ОБШҚдаги ҚЯТ оғирлигида аниқланган ўзгаришларни синхронизация қилиш ҚЗЁКларининг умумий пули ва спекторлардаги ўзгаришларини касалликнинг патогенезидаги патогенетик аҳамиятидан гувоҳлик беради.

Ичакдаги у ёки бу турдаги микроорганизмларнинг фаоллигини акс эттирувчи ҚЗЁКларининг 3 турдаги ўзгаришлари қайд қилинди: беморларнинг бир қисмида ҚЗЁКларининг спектори, таркиби ва умумий миқдорида сезиларсиз ўзгаришлар аниқланди, улар облигат ва факультатив микрофлоранинг фаоллигини сезиларсиз ўзгариши билан характерланади ва у микроорганизмларнинг анаэроб ва аэроб кўрсаткичлар яққол намоён бўлган дисбаланси билан кузатилади (I тип); беморларнинг бошқа гуруҳида C_2-C_4 профили ва умумий миқдорини ўзгариши анаэроб микроорганизмлар фаоллигидан гувоҳлик беради, уларга *Bacteriodes*, *Clostridium*, *Enbacterium*, *Coprococcus*, *Fusobacterium* ва потеолитик фаоликка эга бўлган анаэоб микроорганизм штамлари киради (II тип); III типда ҚЗЁКларининг спектори ва таркибини ўзгариши аэроб микроорганизмлар фаоллиги билан характерланади, улар гемолитик фаоликка эгадир (*E. Coli*, энтерококклар, стрепто ва стафилакокклар, *E. Coli*нинг гемолитик штамлари, клебсиеллалар, протейлар ва ҳ.к.) (III тип).

Шуни таъкидлаш жоизки, ОБШҚҚЯТларнинг оғирлик даражасини ортиши билан ҚЗЁКлари учинчи типини учраш частотаси ҳам прогрессив равишда кўтарилиши қайд этилади. I тип бузилишлар типик ва экссудатив-гиперемик шаклларда учради. ОБШҚҚЯТ беморларининг типик шаклида ҚЗЁК метаболизми бузилишининг III типини учраш сони $44,44 \pm 8,28\%$, I тип бузилишларининг учраш сони $22,22 \pm 6,93\%$ ($P < 0,05$) ва II тип- $33,33 \pm 7,85$ ($P > 0,05$); экссудатив-гиперемик шаклини юқоридагига мос бўлган қиёсий нисбати $52,94 \pm 8,56\%$, $11,76 \pm 5,52\%$ ($P < 0,05$) ва $35,29 \pm 8,19\%$ ($P > 0,05$)ни ташкил этди. ОБШҚҚЯТнинг эрозив-яралли шаклида III тип бузилишларнинг

учраш сони $70,37 \pm 8,8\%$; II тип- $29,63 \pm 8,79\%$ ($P < 0,05$), буллёз шаклида бўлган нисбатлар эса $61,90 \pm 7,50\%$ ва $38,10 \pm 7,56\%$ ($P < 0,05$)ни ташкил этди.


Биз атом занжирида углеродлар сони 3 дан кўп бўлган ҚЗЁКларининг изомерлари ва қон зардобидаги изовалериан кислоталар алоҳида таҳлил қилдик ва бунда ОБШҚҚЯТли беморлар қон зардобида юқори кислоталарнинг йиғинди абсолют миқдор кўрсаткичлари изокислота, изо C_5 кўрсаткичларини ишончли равишда ортиши маълум бўлди. ОБШҚдаги ҚЯТнинг оғирлик даражасини ортиши билан қон зардобида юқоридаги кўрсаткичларни ишончли равишда ортиши кузатилади. Маълумки, ҚЗЁКлари бактериал келиб чиқишга эга ва қон оқимига ичаклардан сўрилиш орқали тушади. Беморларнинг периферик қонида ва оғиз суюқлигидаги цитокинлар таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, улардаги асосий яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар назорат гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли фарққа эга бўлади ($P < 0,05$).

ҚЯТнинг типик шакли билан оғриган беморлар қон зардобида цитокинлар миқдорини ўрганиш шуни кўрсатдики, уларда яллиғланиш цитокинлари (ФНО- α , ИЛ-1, ИЛ-2 ИФН- γ ва ИЛ-8) ва яллиғланишга қарши медиаторлар миқдори (ИЛ-4 ва ИЛ-10) ортади. Яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг процент нисбати (П/А) назорат гуруҳида 2:12 га тенг бўлади; типик шаклидаги ҚЯТ беморларида эса 2:2 га тенг бўлади. ҚЯТнинг типик шакли билан оғриган беморларда яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдор нисбатини бундай кўринишда бўлиши, баъзида ҚЯЛни типик шаклини кўпинча сурункали, ҳеч қандай белгиларсиз кечиши билан тушунтирилади. ҚЯТнинг янада оғир шаклларида яллиғланишга қарши медиаторларнинг камайиши фонида яллиғланиш хусусиятига эга бўлган цитокинлар миқдорини динамик ортиши характерлидир. ҚЯТнинг эксудатив-гиперемик шаклида яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар коэффициентининг нисбати П/А 3,58га тенг (назорат гуруҳида ушбу нисбат 2,12га тенг); эрозив-яралли шаклда -13,48 ва буллёз шаклида -7,53; умуман олганда ҚЯТда яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг ўзаро нисбат коэффициенти 4,58га тенг. Бу назорат гуруҳига нисбатан 2 марта кўп демакдир.

ҚЯТни клиник кечиши оғирлигини ортиши билан оғиз суюқлигида ҳам цитокинлар тизимида прогрессив, чуқур дисбаланс кузатилди; яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг нисбат коэффициенти ортади: типик шаклда 3,24; эксудатив-гиперемик шаклда 7,28; эрозив-яралли шаклда 485,69; буллёз шаклда 189,50; назорат гуруҳида эса 2,58 га тенг бўлди.


Локал ва тизимли кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион алоқанинг юқори даражада эканлиги ва ОБШҚ патологик жараёнлари ортиши билан уни ҳам ортиши, иммун-метаболик жараёнларни тизимли ва локал ўзаро тортишувчи таъсирини акс эттиради, бу эса ЭИ ортишидан гувоҳлик бериб, ОБШҚ жараёнини организмнинг бутун гомеостаз бузилишлари позициясидан қарашга асос бўлади.

Тадқиқот натижалари ОБШҚҚЯТ ривожланишини патогенетик моделини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади (1-расм).



1-расм. ОБШҚ ҚЯТ асосий патогенетик омилларининг ўзаро боғлиқлик механизми

ОБШҚҚЯТни ташхислаш даражасини ошириш мақсадида бизлар томонимиздан ОБШҚдаги ҚЯТли беморларини текшириш схемаси ишлаб чиқилди. Текшириш схемасига кўрсаткичларнинг максимал миқдорини ўрганиш киритилган бўлиб, улар ўз ичига: оғиз бўшлиғини локал жароҳатловчи омиллари, беморларнинг психоэмоционал ҳолати, соматик патологиялар фонининг мавжудлиги ва сурункали инфекция ўчоқлари, шунингдек цитокинлар профилини ўрганиш, ЛПО-АОТ тизим балансини ўрганиш, оғиз суюқлиги ва қондаги альбуминнинг транспорт вазифаси ва оғиз суюқлиги, қон зардоби ва ичаклардаги ҚЗЁК кўрсаткичларини ўрганишни ўз ичига олади (2-расм).



2-расм. ОБШҚ ҚЯТ билан хасталанган беморларни текшириш схемаси.

Диссертациянинг «ОБШҚдаги ҚЯТнинг турли клиник шакллари билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини комплекс баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида ҚЯТнинг турли клиник шакллари даволаш схемалари комплекс даволаш тамойилларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган, маҳаллий жараёнларни тикланиши ва тизимли гомеостатик бузилишларни меъёрлаштириш зарурияти, оғиз бўшлиғидаги касалликни ривожланишига сабаб бўлган омилларни бартараф этиш ва ёндош касалликларни аниқлаш ва даволашга йўналтирилган маълумотлар келтирилган.

Касалликни полиэтиологик табиатини ҳисобга олган ҳолда даволашнинг қуйидаги схемаси ишлаб чиқилган:

Типик шаклда маҳаллий оғиз бўшлиғининг санацияси, аппликация кўринишида тайёрланган маҳаллий қўллаш учун восита (таркибида фаол моддалар-Сукцинасол, гель хосил қилувчи гидроксиэтилцеллюлоза (1-7%; 1-5%; 0,1-1,0% нисбатда) ва дистилланган сув (100,0 миллилитргача)дан иборат.

Инфузион терапия: 400 мл Сукцинасол эритмасини 10-15 кун давомида 3-4 курс инъекция учун буюрилади.

Седатив терапия: 2 ҳафта давомида кунига 3 маҳал 1 таблеткадан Адаптол;

Пробиотиклар курси: Бифиллакс иммуно: бир ой давомида кунига бир маҳал 1 капсула. Даволаш курсининг муддати ҳар 6 ойда бир марта.

Иммунстимуловчи терапия: Галавит: схема бўйича: 1 табл. кунига 3 маҳал, 3-5 кун давомида.

Дезинтоксикацион терапия: Полисорб МП. 100 мл сувга 1 ош қошиқ кукун эритилади, кунига 3 маҳал, овқатдан 1 соат олдин 3 кун ичилади.

Экссудатив-гиперемик шаклда маҳаллий: оғиз бўшлиғи санацияси: эрозияларни 10%ли Лидокаин эритмаси билан оғриксизлантириш; оғиз бўшлиғини ИРС-19 билан чайиш, буни 2 ҳафта давомида кунига 3 маҳал бажариш; гелни Сукцинасол билан бирга қўллаш;

Инфузион терапия: 400мл Сукцинасол эритмасини томир ичига томчилаб юбориш;

Седатив терапия: бир ой муддатда кунига 3 маҳал 1 таблеткадан Адаптол бериш;

Пробиотиклар курси: Бифилаксимуно: бир ой давомида кунига бир маҳал 1 капсула, Курс: ҳар 4 ойда бир марта.

Иммунстимуловчи терапия: Галавит: типик шаклни схемаси бўйича, 8-10 кун давомида.

Дезинтоксикацион терапия: Полисорб МП. 100 мл сувга 1 ош қошиқ кукун эритилади, кунига 3 маҳал, овқатдан 1 соат олдин 5 кун ичилади.

Эрозив-яралли шаклда маҳаллий: оғиз бўшлиғини санация қилиш; 10% ли Лидокаин эритмаси билан эрозияларни оғриксизлантириш; оғиз

бўшлиғини ИРС-19 билан чайиш. Бир ой давомида кунига 3 маҳал гелни Сукцинасол эритмаси билан бирга қўллаш;

Инфузион терапия: 400 мл Сукцинасол эритмасини томчилаб томчи ичига юбориш, 1,5 ой давомида 8 тагача инъекция.

Седатив терапия: бир ой давомида кунига кунига 3 маҳал 1 таблеткадан Адаптол бериш.

Пробиотиклар курси: Бифилаксимуно: бир ой давомида кунига 2 маҳал битта капсуладан. Даволаш муддати: ҳар 3 ойда бир марта.

Иммунстимулловчи терапия: Галавит: инфузия сифатида в/и 100 мл флаконни кунига 1 маҳал, 10 кун юборилади. Курсни 3 ойда 1 марта такрорлаш лозим.

Дезинтоксикацион терапия: Полисорб МП. 100 мл сувга 1 ош қошиқ кукун эритилади, кунига 3-4 маҳал, овқатдан 1 соат олдин 7-10 кун ичилади.

Буллёз шаклида маҳаллий-оғиз бўшлиғининг санацияси; микробга қарши чайиш, шикастланиш элементларини 10% Лидокаин эритмаси билан оғриқсизлантириш; 1,5-2 ой давомида кунига 3 маҳал оғиз бўшлиғини ИРС-19 билан чайиш; Сукцинасол билан гелни қўллаш.

Инфузион терапия: 1,5 ой давомида 8 тагача 400 мл Сукцинасол эритмасини томир ичига томчилаб юбориш;

Седатив терапия: 1,5 ой давомида кунига 3 маҳал 1 таблеткадан Адаптолни қўллаш.

Пробиотиклар курси: Бифилакс-иммуно: кунига 2 маҳал 1 капсуладан бир ой. Даволаш курси: ҳар 3 ойда.

Иммунстимулловчи терапия: Галавит: инфузия сифатида в/и 100 мл флаконни кунига 1 маҳал 10 кун юборилади. Курсни 3 ойда 1 марта такрорлаш лозим.

Дезинтоксикацион терапия: Полисорб МП. 100 мл сувга 1 ош қошиқ кукун эритилади, кунига 3-4 маҳал, овқатдан 1 соат олдин 10-14 кун ичилади.

ОБШҚдаги ҚЯТли беморлар ичидан репрезентатив гуруҳ шакллантирилди: улар-асосий, биз томонимиздан ишлаб чиқилган, патогенетик асосланган даволаш қабул қилган гуруҳ ва анъанавий қилган даволаш буюрилган таққослаш гуруҳи. Улар ичида типик шакл 36 нафар бемор (16-нафардан асосий ва таққослаш гуруҳи); экссудатив-гиперемик – 34 нафар бемор (17- нафардан асосий ва таққослаш гуруҳи), эрозив-яра шакли- 42 нафар бемор (21- нафардан асосий ва таққослаш гуруҳи) ва буллёз шакли 27 нафар бемор (14 нафар асосий ва 13 нафар назорат гуруҳи).

Таққослаш гуруҳи ёш, жинс ва соматик патологияси бўйича рандомизирланган бўлиб, даволаш давомида олинган маълумотларни репрезентативлигини таъминлади.

Ўтказилган даволаш самарадорлиги куйидаги параметрлар бўйича амалга оширилди: бемор аҳволини сезиларли яхшиланиши – оғир шаклни энгил шаклга трансформацияси билан характерланади; яхшиланиши –

эрозия майдонини 50%-75%га қисқариши ва яллиғланиш белгиларини пасайиши; даволашни самарасизлиги – яллиғланишни, ОБШҚдаги эрозияларни ва хисларни сақланиши.

Беморларни объектив кўриқдан ўтказилганда куйидагилар қайд қилинди: эритеманинг камайиши, папуллёз элементлар миқдорини камайиши, ОБШҚ яллиғланишни пасайиши, эрозия майдонини қисқариши ва уни эпителизацияси, касалликнинг оғир шаклларини енгил шаклларга трансформацияси қайд қилинди.

ҚЯТли беморларда асосий клиник самара асосий гуруҳда қайд қилинди. ОБШҚҚЯТнинг типик клиник шакл беморларида ($88,89 \pm 7,71$) эришилди, таққослаш гуруҳидаги 10 нафар беморда ($55,56 \pm 11,71$) ($P < 0,05$); шунга мос бўлган нисбат экссудатив гиперемик шакл билан оғриган беморларда кузатилди ва у 14 нафар беморда қайд этилди ($82,35 \pm 9,25\%$), унга қарши 8 ($47,06 \pm 12,11\%$) ($P < 0,05$); эрозив ярали шаклда 13 нафар бемор ($61,90 \pm 10,60\%$), унга қарши 6 ($28,57 \pm 9,85\%$) ($P < 0,05$); буллёз шакл 7 ($50,0 \pm 13,36\%$) унга қарши 2 ($15,38 \pm 10,0\%$) ($P < 0,05$).

Бунда асосий гуруҳда клиник симптомларнинг ижобий динамикасини қайд этмаслик холати кузатилмади (самарасиз), таққослаш гуруҳининг эрозив ярали шаклида эса бундай беморлар сони 4 нафарни ташкил этди. ($19,05 \pm 8,17\%$); буллёз шаклда 2 та ($5,38 \pm 6,26\%$) беморларни ташкил этди.

Даволаш давомийлигининг энг қисқа бўлиши асосий гуруҳ беморларида қайд қилинди. Демак, ОБШҚҚЯТнинг асосий гуруҳидаги типик шаклида даволаш давомийлиги $6,28 \pm 0,33$ кунни, таққослаш гуруҳида эса $10,33 \pm 0,42$ кунни ташкил этди. ($P < 0,01$); экссудатив гиперемик шаклда шунга мос бўлган нисбат $9,18 \pm 0,42$ кунни, унга қарши эса $12,59 \pm 0,42$ ($P < 0,01$) кунни ташкил этди; эрозив-ярали ва буллёз шаклларида эса унга мос холда $13,43 \pm 0,24$ кун, унга қарши $18,86 \pm 0,48$ ($P < 0,01$) кунни ташкил этди ва $14,0 \pm 0,49$ унга қарши $18,15 \pm 8,69$ кун ($P < 0,01$) ни ташкил этди.

Комплекс даволашни қўллаш (асосий гуруҳда) ремиссияни сезиларли узайишига олиб келди. Таққослаш гуруҳида ремиссиянинг ўртача давомийлиги $12,27 \pm 0,13$ ойга тенг бўлди, бу асосий гуруҳга нисбатан 1,73 марта устун бўлганлигини ва $7,11 \pm 0,13$ ойга тенглигини кўрсатди. ($P < 0,01$); ҚЯЛнингг экссудатив-гиперемик шакли билан оғриган беморларда унга мос бўлган нисбат $11,82 \pm 0,28$ ойни ташкил этди, унга қарши $7,41 \pm 0,42$ ой ($P < 0,01$); эрозив ярали ва буллёз шаклларида унга мос холда $9,52 \pm 0,30$ ой, унга қарши $5,62 \pm 0,22$ ой ($P < 0,01$); ва $10,29 \pm 0,32$ ой, унга қарши $5,31 \pm 0,26$ ой ($P < 0,01$).


ОБШҚҚЯТнинг типик шакл беморларида бир йил давомида олиб борилган кузатувларда касаллик кечишининг рецидив частотаси асосий гуруҳда 0,72 холатда, унга қарши 1,89 холатда, таққослаш гуруҳида аниқланди (пасайиш 2,63 марта); экссудатив гиперемик шаклда унга мос бўлган нисбат 0,94 ва 2,29 холатда (2,44 марта пасайиш); эрозив яра шаклда

-1,42 холатда, унга қарши 2,81 (пасайиш 1,98 марта) ва буллёз шаклда-1,5 холатда; унга қарши 2,76 (пасайиш 1,84 марта) (3 расм).

Асосий гуруҳдаги клиник самарадорликнинг ўртача йиғинди эффекти назорат гуруҳ беморларидан юқори натижани кўрсатиб, типик шаклда 19,84%; экссудатив гиперемик шаклда 31,63%, эрозив яра шаклда -32,92% ва буллёз шаклда эса -26,35%ни ташкил этди.

ОБШҚдаги ҚЯТни ривожланиш патогенезининг асосий бўғинларига дифференциал таъсирни беморларни нейро психологик статусини коррекция қилиш Адаптол антиоксиданти билан амалга оширилди, натижада у реактив ва шахсий хавотирланиш кўрсаткичларини меъёрлашишига ҳамда ОБШҚ маҳаллий жараёнларини қопланишига олиб келди.

Бунда энг кўп намоён бўлган динамика ШХ кўрсаткичларида аниқланиб, унда беморларда невротик ўрни йўқотиб қўйиш ва шартли психоген касалликлар мавжудлиги акс этди. Беморларда ҳаётий вазиятларни таҳдид солувчи сифатида қабул қилиш ва уларга кўркув, ваҳима билан реакция билдириш, ички хотиржамликнинг йўқлиги, ҳаяжонланиш, беҳуда ташвишланишларни камайиши, мияга ўрнашиб олган фикрларни йўқолиши кузатилди, беморларни ўзини тутиш ҳолати янада адекват бўлди.



3-расм. ОБШҚҚЯТнинг турли клиник шакллари билан касалланган беморларда рецидивлар частотасини солиштирма баҳолаш

Шунга қарамасдан асосий гуруҳнинг барча беморларида даволашдан сўнг ШХнинг ўрта гуруҳ кўрсаткичлари назорат гуруҳ кўрсаткичларига максимал яқинлаштирилди ($P > 0,05$) ва даволашгача бўлган кўрсаткичлардан статистик жиҳатдан паст натижаларни кўрсатди.

